



# АДОЛАТ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 21 (1085) • 2016-yil, 20-may, juma

## ОНА ТИЛИГА ҲУРМАТ

уни мукамал ўрганишдан бошланади

### МУНОСАБАТ

Ўзбек халқининг ўзига хослигини, унинг миллий яхлитлигини кўрсатадиган ва ўзида миллат, халқ руҳини ифодалаган ҳолда дунёга танитадиган бебаҳо восита бу — она тилидир.

Шу боисдан ҳам истиқлол йилларида ўзбек тилини ўқитишга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, тил бойлигини ва адабий меросни ўрганишга улкан эътибор қаратиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети”ни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ҳам нафақат мамлакатимиз маънавий-маърифий ҳаётида, балки таълим тизимида амалга ошириладиган ислохотларнинг узвий давоми, миллий тилимизга давлат сийсати даражасидаги эътибор намунаси бўлди.

Таъкидлаш лозимки, мустакиллик шарофати билан тилимизнинг нуфузи нафақат Ватанимизда, балки чет элларда ҳам ошиб бормоқда. Унинг жозибаси хоржиликларни ҳам ўзига мафтун қилмоқда. Бизнинг тилимизда бошқа миллат вакиллари, айниқса, хоржилик меҳмонлар сўзлашганини эшитганимизда, қалбимиз ғурур ва ифтихор туйғуларини билан тўлади. Бу, албатта, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Тарихга бир назар ташлайлик. Собик тузум дав-

ридаёқ Президентимиз Ислам Каримовнинг тенгсиз жасорати туфайли ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани халқимиз ҳаётида буюк тарихий воқеа бўлгани, шубҳасиз.

“Давлат тили ҳақида”ги қонун билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши Ўзбекистоннинг мустакиллик сари қўйган илк тамал тоши бўлди. Чунки тил давлат суверенитети белгиларидан бири ва энг муҳимидир. Бу мақом мустакилликка эришилганидан сўнг Бош қўшунимизда янада мустаҳкамлаб қўйилди. Шундан сўнг 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқланди. Энг муҳими, ушбу қонун қўп миллилатли халқимиз манфаатларини кўзлаган ҳолда босқичма-босқич амалга киритилди ва бошқа миллат вакиллари-нинг давлат тилини ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.



## ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ амалий механизмларини кучайтириш омиллари

### ЎҚУВ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Наманган вилоятида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши томонидан ташкил этилган вилоят, шаҳар ва туманлар ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг иш тажрибасини ўрганишга ва оммалаштиришга бағишланган республика ўқув-амалий семинари иш бошлади.

Сиёсий партиялар учун мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ислохотларнинг ҳозирги босқичида дастурий вазифаларини рўйбга чиқариш, аҳоли ва электорат билан ишлаш усулларини такомиллаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилишида янада самарали иштирок этиш фаолиятининг муҳим шартини эканлиги барчага аён. Бу борада Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан ташкилий-партиявий ва мафкуравий тарғибот ишларини олиб бориш, партия депутатлари фаоллигини ошириш, партиявий ишларда ижро интизомига риоя этиш борасида партия ташкилотла-

рининг ижобий тажрибаларини ўрганиш, кадрларнинг салоҳияти ва малакасини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратиладиганлигини таъкидлаш жоиз. Наманган шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги республика ўқув-амалий семинарида ҳам партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва ижобий тажрибани партия тизимида оммалаштириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

— Семинарни ўтказиш учун ушбу ҳудуд танлангани бежиз эмас, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП Марказий аппарати бўлим мудири Муҳаммаджон Жўраев.



## 25 ЙИЛ: МУСТАҚИЛЛИК МЎЪЖИЗАЛАРИ



## ЭЛОБОДНИНГ ОБОД МАСКАНЛАРИ

Кўнғирот нафақат Қорақалпоғистон Республикасининг, балки мамлакатимизнинг энг шимолий тумани ҳисобланади. Унинг маркази Кўнғирот шаҳри бағрида олис ўтмиш ёдгорликлари, обидалари сақланиб қолмаган бўлса ҳам юртимиздаги тарихий қалъалардан бири, деб эътироф этилади. Шаҳар олисдан назар ташласангиз, кўм-кўк дарахтзор, боғлар бағрида намоён бўлади. Бу ерда кейинги йилларда маъмурий ва жамоат ташкилотлари учун кўплаб замонавий иншоотлар, бинолар қад ростлади.

Коллеж ва академик лицейлар, мактаблар, савдо шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари шаҳардаги бунёдкорликларнинг намуналари

ҳисобланади. Шаҳарда келгусида ҳам иқти-уч қаватли замонавий иншоотлар, бинолар қуриш, ҳам намунавий типдаги турар жойлардан иборат даҳалар, мав-

зелар барпо этиш режалаштирилган. Бу эса шаҳарнинг янги-дан, гузал тарзда қад ростлашга хизмат қилмоқда. Кўнғиротда айни пайтда, мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларидаги посёлкалар, овуллар, янги санаот корхоналарини сув, газ, электр билан узлуқсиз таъминлаш мақсадида компрессор станциялар ишга туширилган. Шунингдек, бу шаҳарда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Кўнғирот темир йўли узели” ҳам жойлашган. Бу узелнинг паровоз, вагон таъмирлаш, темир йўллари қайта қуриш корхоналари, темир йўл шифохонаси, санаторияси, болаларни соғломлаштириш масканлари шаҳар ҳаёти

билан уйғунлашиб кетган. Кўнғирот мамлакатимизнинг шимолий темир йўл дарвозасига айланган.

Кўнғирот шаҳридан шимол томонда, 45-50 километр масофа узоқликда, Устюрт текислигининг юксак нукталаридан бирида Кўнғирот сода заводи жойлашган. Завод давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш борасидаги таклифига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилнинг 2 мартдаги 79-сонли ва 2002 йилнинг 14 майдаги 158-сонли қарорлари асосида барпо

этилиб, 2006 йилда ишга туширилди. Завод Хитойнинг “СІТІС” компанияси билан ҳамкорликда бунёд қилинди. Сода заводининг айнан мана шу ерда барпо этилиши бежиз эмас. Завод яқинида кальциацияланган сода ишлаб чиқариш учун зарур ҳисобланган маҳаллий хомашё — ош тузи ва оҳақтош ниҳоятда кўп. Ош тузи “Борсакеммас” туз қонидан, оҳақтош эса “Жамансой” оҳақтош қонидан ташиб келтирилади. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, хомашё захиралари заводни 100 йилдан ортиқ муддатга таъминлаши аниқланган.



### СЕМИНАР-ТРЕНИНГ



## ВАКОЛАТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиради

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустакил институти томонидан Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда “Сиёсий партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг

доимий электорати манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастуридан келиб чиқиб халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш” мавзусида семинар-тренинглار ўтказилмоқда.



## ГЛОБАЛЛАШУВ. ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ. МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

### КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистонда навқирон авлоднинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.



Айниқса, бугунги глобаллашув ва тез суръатлар билан ўзгариб бораётган мураккаб ва шиддатли даврда мамлакатимиз ёшлари маънавиятини турли таҳдидлардан асраш, уларнинг халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаб етиши, ушбу воқеликлар юзасидан ҳолис ва мустакил фикрга эга бўлиши, тўғри ва мақбул ҳулоса чиқара олиш салоҳиятини шаклланти-

риш ҳамда ривожлантиришда оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш баробарида кейинги йилларда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда ўрни ва роли ошиб бораётган жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаоллигини ошириш долзарб аҳамият касб этади.



# ОНА ТИЛИГА ҲУРМАТ уни мукамал ўрганишдан бошланади

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Умуман, "Давлат тили ҳақида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонулар, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда бошқа кўплаб ҳужжатларда тилимиз равиога доир вазифалар белгилаб берилди ва улар изчил бажариб келинаптир.

Ўтган давр мобайнида она тилимизнинг мавқеини ошириш, софлигини сақлаш, йўқолиб кетган қайта тиклаш, бу борадаги қонунийликнинг маъно-маъмурини ёш авлод онгига синдириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Марказда ва жойларда "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг амалга оширилиши бўйича мувофиқлаштирувчи комиссиялар тузилиб, қонулар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат тилида ёшлон қилиниши, давлат бошқаруви органлари, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг ҳужжатлари давлат тилида юритилиши, республиканинг маъмурий худудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектларнинг номлари давлат тилида акс эттирилиши таъминланди. Яна бир ютуғимиз шундаки, тарбиётчилар натижасида жамиятимиз аъзоларининг тилга бўлган муносабати ўзгариб, тил маданияти юксалиб бормоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, "Давлат тили ҳақида"ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намойиш этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахас-

сислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг яратилиши, унинг амалиётга татбиқ этилиши ҳам ана шу амалий ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди.

Хорижий давлатларда японча-ўзбекча, корейча-ўзбекча, туркча-ўзбекча, инглизча-ўзбекча, немисча-ўзбекча каби луғатлар натижасида илмий марказлар, нуфузли университетларда ҳам қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда сўнги йилларда ёш авлодга хорижий тилларни ўргатиш бўйича ҳам махсус тизим йўлга қўйилган, республикамизда 7 та нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари фаолият кўрсатиб келаётгани ҳам таълим тизимидagi ислохотларни жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга қаратилаётган эътибор намунасидир.

Эндиликда Президентимизнинг мазкур Фармони билан ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан оширишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани замирида ҳам улкан мақсадлар мужассам.

Ушбу ҳужжат билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари

ҳамда Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти негизда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилиши белгиланди.

Албатта, бугунги глобаллашув жараёнида асосий масалалардан бири нафақат она тилни сақлаб қолиш, балки уни тарққий элтириш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда бўйлаб боришдир. Ўзбек тилишунослари, ёзувчилар, олимлар ва шоирларнинг умумий ҳаракатлари йўлдан ўзгариши, ривожлантириш бўйича узлуксиз жараён давом этмоқда. Бунинг натижасида китобсеварлар учун 5 жилликда "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" нашр этилди. Мазкур китоб замонавий адабиётда фойдаланиладиган 80 мингдан ортиқ сўзлар ва сўз бирикмалари, илмий, техник, санъат, маданият ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган атамалар, диалектизмлар ва тарихий сўзларнинг ўзида мужассам этган. Шу билан бирга, "Ўзбек-рус тили луғати", "Ўзбек тилининг имло луғати", "Ўзбек мумтоз адабиёти луғати" каби бир қатор илмий-оммабоп китоблар чоп этилди.

Ахборот-коммуникация, компьютер технологиялари ва интернет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда ўзбек тили кенг татбиқ этиб келинмоқда. Атамалари тизимлаштириш, уларни бир-биринга мослаштириш, замонавий ҳаётдаги янги тушунчаларни англатувчи сўзларни танлаш жуда муҳим саналади. Шу муносабат билан, ўзбек тилини

илмий асосда ривожлантириш мақсадида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказилиб, қўллаб илмий-оммабоп китоблар, рисоалар, ўқув қўлланмалар, луғатлар нашр этилди. Шунингдек, "O'zbekig dasturlari" электрон нашриётлар тахририяти билан ҳамкорликда 120 минг сўзни ўз ичига камраб олувчи "Iboga" ўзбек-рус-инглиз электрон луғати яратилди.

Президентимиз Фармонида она тилимизнинг интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш вазифаси белгилагани бу борадаги изланишларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

**Хулоса ўрнида шунни айтиш лозимки, бугун ўзбек тилининг бой имкониятларини очиб бера оладиган малакали тилшунос кадрлар тайёрлаш, бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш ва тилимизни ҳар томонлама ривожлантириш пировардида миллат мулки сифатида қадрланадиган она тилимизни ёш авлод онгига синдириш ҳамда уларда она тилига ҳурмат туйғусини янада кучайтиришга хизмат қилади. Ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялаш эса педагоглар, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг вазифаси, бурчи ҳисобланади. Ўз навбатида, ушбу Фармон ижросини таъминлаш биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.**

**Алишер ШОДМОНОВ, Олий Мажлис Қонулчи палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

## ДАВРА СУҲБАТИ

Пойтахтимиздаги 2-сонли Тошкент юридик коллежида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамкорлигида "Одам савдосига қарши кураш ҳамда аёллар ўртасида ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш – соғлом ва адолатли жамият тараққиёти кафолати" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

## ОДАМ САВДОСИ — АСР МУАММОСИ

Партиянинг "Ўзбекистон — инсон кадри улдуғлан юрт" лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати маъсул ходимлари, ҳамкор ташкилот раҳбарлари, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари, ОАВ жомиллари иштирок этишди.



Давра суҳбатида сўзга чиққанлар одам савдосига қарши кураш борасида, авваламбор, аҳолининг, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш, шунингдек, барча мутасадди ташкилотлар ҳамкорликда фаолият юритишлари лозимлигини таъкидладилар.

Одам савдоси — инсон, унинг дахлсиз ҳуқуқлари, кадр-қиммати, оёғини ҳаёти ва келажакига жиддий пугур етказувчи сарҳад ва миллат танламайдиган иллат. Шу боис бу жиноят жаҳон ҳамжамиятини жиддий таъминлашга соймоқда.

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин-касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимоялашни ҳуқуқига эга. Бироқ, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бу ҳуқуқнинг қўпол тарзда бузилишига олиб келмоқда.

Кайд этиш керакки, ўтган даврда мамлакатимизда одамларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш каби оғир турдаги жиноятларнинг олдини олиш борасида манфаатдор идоралар фаолияти мувофиқлаштирилди.

Сўнги йилларда одам савдоси жинояти тўғрисида юзага келадиган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг катор мамлакатларида бу иллатга қарши курашишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Аввало, одам савдоси жиноятига барҳам бериш учун етарли ҳуқуқий-норматив база шакллантирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонун талаблари асосида ташкил этилган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси тадбирлари натижасида одам савдоси билан шугулланувчи 400 дан зиёд шахс аниқлашиб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Тадбир давомида Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази мутахассислари томонидан "Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги "Одам савдосига қарши курашни тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти" мавзусида чиқишлар қилиниб, кўргазмалар слайдлар намойиш этилди.

Айрим фуқароларнинг содда, ишонувчанлиги, тез вақт ичида кўп маблар топишга бўлган иятилиши, ҳуқуқий билимига эга бўлмамликлари, дунёқароши торлиги ва савёлиги, таъсирчан тарбиёт-ташвиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги натижасида ушбу жиноят курбонига айлиниб қолишга таъинлиги афсусланарли, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси Ойдин Абдуллаева. — Шу боис одам савдоси муаммосининг олдини олиш бўйича партияимиз томонидан умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлирида манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ахборот семинар-тренинглари, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Интерфаол усулда ташкил қилинадиган мавзулар муҳокамаси, саҳна кўринишлари, слайдлар намойиши иштирокчиларни фаоллаштиришга, уларда қизиқиш уйғотишга ва мазкур масалага оид ҳаётда учрайдиган муаммоларни вазиятларнинг ечимини топишга қўмақлашмоқда.

Давра суҳбатида Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан одам савдосига қарши курашни бўйича олиб бориладиган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Тадбир доирасида иштирокчиларга одам савдоси муаммоси, чет элларга чиқиш ва хорижий давлатларда бўлиш қондалари, у ерларда норасмий ва ноқонуний ишлашнинг оқибатлари, ушбу жиноятдан жабрланганлар учун йўналтирилган ахборотни ўзида мужассам этган буклетлар тақдим этилди.

Қизғин баҳс-мунозара ва жонли мулоқотларга бой бўлган тадбир сўнггида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга депутатлар, партия фаоллари, мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

**Даврон МАНСУРОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий аппарати етакчи мутахассиси**

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонулчи палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида "Глобаллашув жараёни ва ахборот асрида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишнинг маънавий-маърифий ва ғоявий жиҳатлари" мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий конференциясида шу ҳақида сўз борди.

"Соғлом она ва бола йили"га бағишлаб ташкиллаштирилган мазкур конференцияда Олий Мажлис Қонулчи палатаси депутатлари, университет ўқитувчи ва олимлари, ёш тадқиқотчилар, талабалар ва партия фаоллари иштирок этди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори Б.Ходиев тадбирни кириш сўзи билан очиб берар экан, бугунги глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий тарбия тизимини янада бойитиш, таълим-тарбия жараёнлари самарадорлигини кучайтириш, навқирон авлоднинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш масалалари давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ҳамда маҳалла фаолларининг устувор вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Бинобарин, эртанги қуни-мизнинг эгалари бўлиши ёш авлод вакилларида юрт тараққиёти, жамият ривож учун дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий дунёқарошини бойитиш, дунёда ўз бераётган турли воқеликлардан тўғри хулоса чиқара олишлари ҳамда энг асосийси, мамлакатимизда тинчликни таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш йўлида олиб бориладиган кенг қўллаб-қўллаш ислохотлар моҳиятини чуқур англашлари, эришилган натижаларни асраш, мустақиллигимизнинг қадрига етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди нотик ўз кириш сўзида.

Айни пайтда Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридида кайд этилганидек, "Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидagi ҳаракатлар шу қадар тизил, шу қадар тезкорки, энди илгаридек, ҳа, бу воқеа биздан



## ГЛОБАЛЛАШУВ. ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ. МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққийотдан юз йиллар орқайда қолиб кетиши ҳеч гап эмас". Ушбу пурмаъно фикрлардан келиб чиқиб, ёшларимизни четдан кириб келувчи турли мафкуравий таъсирлардан ҳимоя қилиш, турли сиёсий куч ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилмасликларни учун уларни юксак билим ва соғлом фикр билан қуроллантиришимиз, ёшларимизнинг юртни тарққий элтириш, ривожлантириш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қўллаш имкониятимиз лозим.

Анжуманда сўз олган маърузачилар глобаллашув шароитида таълим муассасаларида, маҳалла ва оилаларда таълим-тарбия жараёнининг самараси ва сифатини кучайтириш, глобал тармоқда миллий сегментни боғийтиш, ёшларимизнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш юзасидан янги-янги таълим масалаларининг назарий ва амалий жиҳатларини муҳокама этишди. Хусусан, ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда

миллий ғоя тарғиботининг ўрни, бу борада сиёсий партияларнинг роли ва иштироки ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ўзига хос жиҳатлари юзасидан амалга ошириладиган ва режалаштириладиган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

— Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз Сайловли дастурида мамлакатимиз келажак соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. — деди партиянинг Олий Мажлис Қонулчи палатасидаги фракцияси аъзоси, "Ёш адолатчилар" қаноти Кенгаши раиси Умид Сулаймонов. — Дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда биз ёшларимизни, ўз фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишимиз зарурлигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Партияимизнинг бош вазирларидан бири — мамлакатимиз таълим тизимидagi фуқароларнинг қомил шахслар бўлиб шаклланишига хизмат қиладиган, инсон омилини намойиш эта-

диган, меҳнат бозори талабларига мос мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши анъаналарни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат. Бугунги кунда ушбу вазифа ва ғоядан келиб чиқиб, жойларда худудий партия ташкилотлари фаоллари томонидан ёшларни маънавий таҳдидлардан асраш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, иқтидорли ва ташаббускор, илганувчан ёшларни партияимиз сафига жалб қилишга қаратилган давра суҳбатлари, учрашувлар, конференциялар ўтказилмоқда. 2016 йилнинг биринчи чораги ҳолатига кўра, республикамизда партия фаоллари томонидан "Ватан келажак ёшлар қўлида", "Таълим муассасаларида ижтимоий тенглик", "Талабанинг қичқ иновацион корхонаси", "Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур", "Яхши касб — етук мутахассис — муносиб иш хақи" лойиҳалари доирасида ўтказилган 370 га яқин тадбирлар, давра суҳбатларида 27 мингдан зиёд ёшлар иштироки таъминланди. Бундай тадбирларда партияимизнинг парламентдаги вакиллари, маҳаллий вакиллик органлари-

даги депутатлик гуруҳлари аъзолари фаол иштирок этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Қолаверса, партиядан сайланган депутатлар ёшларимизни қўллаб-қувватлаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қабул қилинган меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурларининг ижроси юзасидан назорат-таҳлил ишларини юқори даражада олиб боришни муносиб ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этди, десак янглишмаймиз.

Конференция иштирокчилари ялли ва шўъба мажлисларида 20 дан ортиқ маърузаларни муҳокама этишди. Тингланган маърузалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилиб, тадбир доирасида "Энг мазмулли маъруза", "Нотиклик маҳорати", "Энг яхши тақдирот" йўналишлари бўйича қомил деб, топилган фаол иштирокчилар эсдалик соввалари билан рағбатландирилди.

Анжуман якунида тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Саодат СОДИҚОВА, «Адолат» мухбири**

# ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ

## амалий механизmlарини кучайтириш омиллари

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Маълумки, шу йилнинг март-апрель ойларига жойлардаги ҳудудий, маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотларининг моддий-техник базаси, улардаги иш юритиш ҳолати ва кадрларнинг салоҳияти сифат ва миқдорий кўрсаткичлар асосида ўрганиб чиқилган. Ана шу жараёнда Наманган вилояти партия ташкилотларида ташкилий-партиявий ва мафқуравий-тарғибот, партия офисларининг жихозланиши бўйича ижобий тажрибалар тўпланганлиги маълум бўлди. Мазкур семинар бу тажрибаларни намуна сифатида кўрсатиш имконини беради.

Анжуманда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий ашарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари масъул ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этмоқда. Семинарнинг биринчи кунини, яъни 19 майда иштирокчилар тўрт гуруҳга бўлиниб, Наманган вилоятининг туман, шаҳар ва бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Сайёр семинар давомида партия ташкилотлари етакчилари ташкилий-партиявий ишларни юритиш, аҳоли ва электротар билан ишлаш, депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, БПТларга услубий ва амалий кўмаклашиш борасида ўзаро тажриба алмашдилар.

Биз андижонлик ва навоийлик ҳамкасбларимиз билан бирга Уйчи, Учқўрғон, Норин туманлари партия ташкилотларининг фаолияти билан яқиндан танишдик, — дейди Бухоро вилояти Когон туман партия кенгашининг раиси Зубайдулло Шарипов. — Айниқса, норинлик партиядошларимиз олиб бораётган ишлар бизга маъқул тушди. Норин туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги "Адолат" СДП гуруҳи аъзоси Абдували Мавлонов тумандаги маслаҳатларимизнинг фаолияти билан бизни яқиндан таништирди. Ўтган сайловда норинлик сафдошларимиз халқ депутатлари туман Кенгашида партия гуруҳи тузишга эришдилар, халқ депутатлари орасида ҳам шу тумандан сайловчилар ишончига сазовор бўлган вакил бор. Туманда партия аъзолари сафи тобора кенгайиб бормоқда.



Семинар иштирокчилари туман партия кенгашининг янги очилган идорасини ҳам кўздан кечирдилар. Хона чиройли ва шинам қилиб жихозланган. Партия Сиёсий Кенгаши, вилоят ва туман партия ташкилотларига бағишланган фотостендлар эътиборингизни тортади. Алоҳида "Депутатлар бурчаги" ҳам бор. Керакли адабиётлар, партия тарихи, мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар ҳақида маълумотлар етарли. Замонавий мебель жихозлари, янги компьютер тўплами ишни юқори даражада олиб бориш имконини беради.

Семинар катнашчилари Наманган шаҳар партия ташкилотини фаолияти билан ҳам танишдилар. Кейинги икки йил мобайнида бу ерда партиявий ишлар марказини бевосита аҳоли истикомат жойлари — маҳаллаларга кўчириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилгани кўпчиликка манзур бўлди.

Масалан, "Гулбон" маҳалласида тузилган бошланғич партия ташкилотини олайлик. Дастлаб бу ерда бор-йўғи ўн нафар сафдошимиз бор эди. Хозир эса уларнинг сони етмиш кишига яқинлашиб қолди.

Аъзоларимизнинг асосий қисмини ҳудудимизда жойлашган педагогика коллежи ва 26-умумтаълим мактабининг муаллимлари ташкил этади, — дейди БПТ раиси Тўхтасин Каримов. — Уларнинг аксарияти маҳалламизда истикомат қилади. Бу аҳоли ўрнини маънавий-маърифий таъбирлар ўтказишда, айниқса, ёш авлоднинг тарбиялашда жуда қўл келмоқда. Чунки педагог сафдошларимиз хамиша тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйишда ёрдамларини аямайдилар. Шу бонис ҳудудимизда ижтимоий мухит тобора яхшиланиб, аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда.

Кунинг якунида барча семинар иштирокчилари Наманган шаҳрига йиғилдилар ва ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлимининг мажлислар залида партиянинг Наманган вилояти туман, шаҳар кенгашлари ва БПТларида амалга оширилатган ишлар хусусида ўзаро фикр алмашди.

Сўзга чиққан семинар кат-

нашчилари Наманган вилоятдаги партия ташкилотларининг фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Уйчи туманида бўлганимизда кадрлар билан ишлаш масаласи тўғри йўлга қўйилганига ишонч ҳосил қилдик, — деди Андижон вилоят партия кенгаши раиси Паттоҳон Асханов. — Кенгаш атрофида қўлаб фаоллар жинслашгани маъқул келди. Айниқса, етмиш ёшли отахон Аҳмаджон Юсуповнинг фахрий сифатида сафдошларимизга ёрдам кўрсатаётганига қойил қолдик. Туман электр тармоқлари корхонаси қошида тузилган БПТ фаолияти ҳам ибратли экан. Бу ерда фаолият кўрсатаётган 67 кишидан иборат бошланғич ташкилот аъзолари барча соҳада жамоада ибрат кўрсатмоқдалар. Барча керакли адабиётлар ва кўрғазмали тарғибот воситалари билан жихозланган БПТ хонаси негизда кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш учун имкониятлар етарли.

Кейинги пайтда БПТ фаолиятини такомиллаштириш юзасидан Учқўрғон туманида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўлдик, — деди Сур-

хондарё вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Исроиил Қурбонов. — Тиббиёт бирлашмасидаги сафдошларимиз сони уч юз кишидан ошди. Айни пайтда бошқа соҳаларда меҳнат қилаётган фуқаролардан партияга кириш истагини билдираётганлар сони ортиб бораётганини қувонардир. Туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошида тузилган БПТ аъзоларининг баркамол авлод тарбияси йўлида олиб бораётган ишлари билан бевосита танишдик. Бу борадаги тажрибани оммалаштирса арзийди.

Шу кунини Тўрақўрғон, Мингбулок, Норин, Учқўрғон туман партия кенгашларининг янги идоралари тақдими ҳам ўтказилди. Бу таъбирларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раисининг ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов, Наманган вилоят партия кенгаши раиси Олимжон Максудов, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлари, фаоллар ва семинар катнашчилари иштирок этдилар.

Семинар ўз ишнини давом эттирмоқда.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**  
«Adolat» мухбири

### ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Сайловчилар манфаатлари йўлида жонкуярлик билан иш олиб бораётган халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари яқинда яна бир хайрли тадбир ўтказдилар. Депутатлар шаҳардаги 3-сонли оилавий поликлиника раҳбари Эъзозхон Аҳмедова бошчилигида Қўқон шаҳар "Бунёдкор" маҳалласида ижтимоий химоя ва тиббий ёрдамга эҳтиёжманд хонадонларда бўлдилар.

### МАСАЛАЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Маҳаллаларда ўтказган қабул кунларимиздан сўнг аҳолидан тушган мурожаатларни депутатлар билан кенгашиб, ҳар томонлама муҳокама қиламиз, — дейди депутатлик гуруҳи аъзоси Эъзозхон Аҳмедова. — "Бунёдкор" маҳалласи фуқароларидан тушган мурожаатларда бепул доридармонларга эҳтиёж борлиги билдирилган. Шунинг назарда тутиб, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда бугун йигирмадан ортиқ хонадонларга кириб бордик ва ушбу масала ижобий ҳал этилди.

Партия депутатлик гуруҳи аъзоларининг депутатлик сўрови асосида ўсмирлар, хотин-қизлар, кексалар ва ҳомиладор аёлларга берилган кальций етишмаслиги, витаминоз, хафакон, камқонлик, йод таъқислиги, дармонсизлик каби турли касалликларга қарши қўлланиладиган дори воситалари "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан ажратилди.

Сайловчилар ишонч билдирган депутатимиз Эъзозхон опа бошчилигида депутатлар ҳар бир хонадон ҳолидан хабар олиб, биз аёллар билан дилдан суҳбатлашиб, фарзандларимизнинг муаммолари, оилавий турмуш тарзимиз билан қизиққанлиги бизни қувонтирди. Оилаларга зарур дори-дармонлар берилди, — дейди уй бекаси Барчиной Ортиқова.

Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашининг ташаббускор депутатлик гуруҳи гадаги хайрия тадбирини "Саодат" маҳалласида ўтказишни келишиб олдилар.

Маълумки, жорий йилнинг 1 мартдан 1 апрелига қадар республикамиздаги даволан-профилактика муассасаларида "Патронаж ойлиги" бўлиб ўтди. "Патронаж ойлиги"да Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошчилигида оилавий поликлиникаларнинг умумий амалиёт шифокорлари, патронаж ҳамширалар гуруҳи, халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи юқори малакага эга лор, невропатолог, эндокринолог, онколог, фтизиатр каби тажрибали мутахассислар ҳамроҳлигида юзлаб хонадонларда бўлдилар.

Ойлик давомида ўқув муассасалари, маҳаллалар, оилалар ва кенг жамоатчиликка турли касалликларнинг олдини олиш чоралари ва соғлом турмуш тарзи асослари юзасидан тарғибот ва тушунтириш ишлари ҳам олиб борилди.

Ушбу ойлик давомида хонадонларда бўлиб, тиббий патронаж ишларини ташкил этиш билан бирга оилаларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш, касалликларни юзга келтириши эҳтимоли бўлган омишлар, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга эътибор қаратилди. Маҳаллаларда, ўқув муассасалари ва корхоналарда аҳолининг кенг қатлами ўртасида касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи асослари юзасидан жами 974 нафар иштирокчи жалб этилган ҳолда 18 мартаба тарғибот тадбирлари олиб борилди.

"Патронаж ойлиги" доирасида "Ноиб кўприги" маҳалласида "Сил касаллигининг олдини олиш" манзусида ўтказилган тадбирда партия депутатлик гуруҳи, шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва оилавий поликлиникалар, вилоят Силга қарши кураш диспансери вакиллари фаол иштирок этдилар. Шу кунинг қон таҳлили, "УЗИ", "ЭКГ" бўйича малакали шифокорлар, онколог, маммологлар, кўча реентген автомашинаси кун бўйи маҳалла аҳолиси ихтиёрида бўлди ва 538 нафар хотин-қизлар тиббий кўриқдан ўтказилди.

**Комила ИСРОИЛОВА,**  
Фарғона вилоят кенгаши  
матбуот котиби

# ОШКОРАЛИК ВА МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —  
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови юксак уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясида олинган маълумотларга кўра, дастлабки ҳафтадаёқ 200 га яқин фуқаролар йиғинида сайловлар юқори савияда ўтказилди. Сайловчилар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 1800 дан ортиқ маслаҳатчиси учун муқобиллик асосида овоз беришди.

Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, сайловлар жараёнида мамлакатимизда амалга оширилатган изчил ислохотлар самарасида маҳалланинг жамият ҳаётидаги нуфузи тобора ошиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Ушбу муҳим сиёсий кампанияда Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзолари ҳам фаол иштирок этаётганликлари диққатга сазовордир. Масалан, Тўрақўрғон туманида халқ депутатлари туман Кенгашидаги

"Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Эркин Эргашев фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси раиси ҳисобланади. Партияимиздан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган бошқа етти нафар депутат ҳам сайлов юқори савияда ўтказилгани учун халқ депутатлари туман Кенгашининг вакиллари сифа-

тида иш олиб бормоқда.

Энг аввало, шунинг айтиш керакки, сайловларга барча фуқаролар йиғинларида пухта тайёргарлик кўрилди, — дейди Эркин Эргашев. — Сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳлари аъзолари ўз вазифаларига масъулият билан ёндашиб, раис ва унинг маслаҳатчилари лавозимига энг муносиб номзодларни танлашга ҳаракат қилдилар. Айни пайтда барча жараёнларни демократия талаблари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг сайловларда катнашаётган аҳоли вакилларининг фаолиги ҳам тасдиқлаб турибди. Улар ўзлари сайлаган раис ва унинг маслаҳатчилари маҳаллани бундан-да обод, кўркам ва саранжом-сарипта масканга айлантириш, турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хисса қўшадилар, деб қатъий ишондилар.

Мазкур тумандаги "Шовон" маҳалласида ўтказилган сайлов ҳам муқобиллик асосида ва ошқоралик тамойилларига му-



вофик ўтди. Маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш учун 68 нафар вакил йиғилди. Улар раисликка тавсия этилаётган уч нафар номзоднинг дастурини диққат билан тинглаб, ўз муносабатини билдирдилар. Айниқса, Гайбулла Мамадалиевнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, уларни амалга ошириш учун қандай омишларга таянишни кўзда тутаётганлиги кўпчиликнинг эътиборини тортиди. Ху-масан, аҳоли ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар изчиллигини таъмин-

лаш, тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, бандлик даражасини юксалтиришга қаратилган режалари маъқул тушди. Бу эса ўз-ўзидан сайлов якунларида ҳам акс этди. Гайбулла Мамадалиев мутлақ кўпчилик овоз олиб, маҳалла раиси лавозимига сайланди. Унинг маслаҳатчилари ҳам муқобиллик асосида сайландилар.

Уйчи туманидаги Алишер Навоий номи маҳаллада ўтказилган сайловда 104 нафар вакил катнашди. Ишчи гуруҳи томонидан тавсия этилган номзодлар — Розия Абдуллаева ҳамда Дил-

бархон Умрзокова йиғилганлар ҳузурда ўзларининг келгуси фаолият дастурларини баён қилдилар. Улар режаларида қудудни ободонлаштириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий мухит барқарорлигини мустаҳкамлаш сингари масалаларга алоҳида эътибор берганликлари маълум бўлди. Овоз бериш натижалари умумлаштирилганда, вакилларнинг 85 фоизи Дилбархон Умрзокова учун овоз бергани маълум бўлди.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифалар ниҳоятда масъулиятли ва кенг қўламли, — дейди Д.Умрзокова. — Нафакат мен, балки маслаҳатчилар, бошқа фаоллар ҳам бунинг яхши тушуниб туришимиз. Шунинг учун барқарорлигини мустаҳкамлаш сингари масалаларга алоҳида эътибор берганликлари маълум бўлди. Овоз бериш натижалари умумлаштирилганда, вакилларнинг 85 фоизи Дилбархон Умрзокова учун овоз бергани маълум бўлди.

**Н.АБДУЛЛАЕВ,**  
Наманган вилоят кенгаши  
матбуот котиби

# ВАКОЛАТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

## депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиради

Давоми. Бошланғич 1-бетда

**ТОШКЕНТ ШАҲАР.** Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати мажлислар залида ушбу мавзуда бўлиб ўтган семинар-тренингда Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзолари, ФЖШМҚМИ худудий бўлинимаси масъул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари ва туман партия кенгашлари етакчилари, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда партия депутатлик гуруҳи фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда депутатларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш кўникмаларини мустахкамлаш, уларнинг доимий комиссиялар мажлислари ва сессиялар кун тартибига партиянинг дастурий мақсадлари ҳамда электротар манфаатларига мос таклифлар киритиш бўйича ташаббусларини кучайтиришнинг амалий механизмларини такомиллаштиришга эътибор қаратилди.

Семинарда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари, партиянинг Сайловолди дастурининг муҳим йўналишларини амалга оширишда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партиянинг гуруҳининг қай даражада иштирок этаётганлиги, электротар манфаатларини рўёбга чиқаришда олиб бораётган ишлари муҳофизат қилини, — дейди халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Омонулло Ибрагимов. — Тажрибалардан келиб чиқиб, партия гуруҳининг маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига таъсир ўтказишнинг услубий жиҳатлари таҳлил этилди. Бунда уларнинг жойларда қонуни ҳужжатларининг ижроси устидан депутатлик назоратини амалга оширишдаги иштирокини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, депутатлик гуруҳимиз томонидан 2015 йил давомида Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари ва сессияларига киритилган 3 та масала юзасидан тегишли қарорлари қабул қилинди. Шу билан бирга, депутатларнинг мутасадди ташкилотлар раҳбарлари номига киритилган 85 та депутатлик сўровлари асосида ҳамкорликда қилинган ишлар аҳоли манфаатларини таъминлаш ва фаровонликка хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам тегишли тартибда юборилган жами 22 та депутатлик сўровига мувофиқ эришилган натижалар сайловчилар ишончини оширмоқда.

Иштирокчилар куйи партия ташкилотлари ҳамда Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари билан ўз сайлов округлари ҳудудида депутатлар фаолиятини ташкиллаштириш, депутатлик назоратини амалга ошириш юзасидан ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш масаласига доир фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Шу билан бирга, депутатларнинг фаолияти, уларнинг худудларни иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича нукта назарлари, ташаббус ва таклифларидан аҳолининг хабардорлигини ошириш мақсадида партия депутатлик гуруҳларининг оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликда ишлашнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** Нукус шаҳрида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қорақалпоғистон Республикаси худудий бўлинимаси, Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган семинар-тренингда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.



Таъкидланганидек, маҳаллий Кенгашларда фаолият юритаётган партия депутатлари томонидан электротар манфаатларини рўёбга чиқариш, муқобил энергия турларидан фойдаланишни ривожлантириш,

иқтисодиётнинг инновацияга асосланган ривожланишига эришиш, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий адолат принципларини амалга ошириш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижро-

**СИРДАРЁ.** Гулистон шаҳрида ҳам мазкур мавзуда ўтказилган семинар-тренингда партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг электротар манфаатлари ҳамда худудларни ривожлантиришга доир дастурлардан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолияти, ютуқ ва камчиликлар ҳақида таҳлилий ёндашулар асосида фикр-мулоҳазалар билдирилди.



Депутатларнинг ўз сайлов округларида ваколатлари доирасида қандай ишлаётганлиги таҳлил қилиниши ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган услубий тавсияларни ишлаб чиқиш семинар-тренингда кўтарилган муҳим мавзулардан бири бўлди, — дейди халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутати Мавлуда Алтмишева. — Ушбу мавзу доирасида электротарнинг доимий ижтимоий эҳтиёжлари ва

манфаатларини аниқлаш ҳамда фуқароларни ўйлантриётган муаммолар халқ этилишида партия гуруҳлари ролини ошириш масалалари диққат марказида бўлди. Зеро, партия гуруҳлари ўз сайловчилари ҳамда партиянинг тегишли органлари олдида ҳисобдор саналди. Депутатлар партиянинг куйи ташкилотлари, БПТлар билан яқин алоқада ишлаши зарур, бу депутатлик фаолиятида янги таклифларни ишлаб чиқиш, ташаббуслар-

сини таъминлашда фаол иштирок этиш юзасидан муайян ишлар қилинмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан сайловчилар манфаатларидан келиб чиқиб, жорий йилда тегишли корхона, ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари номига киритилган 16 та депутатлик сўровида келтирилган масалаларнинг ижобий ечим топишига эришилди.

Семинар-тренинг давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлашдаги ўрни, партия дастурий вазифалари ва электротар манфаатларидан келиб чиқиб, аниқ ижтимоий масалалар ечимлари лойиҳаларини тайёрлаш ва тавсия этиш масалалари, жойларда қонуни ва қонуности ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилиши устидан депутатлик назоратини ташкиллаштириш методикаси, депутат сўрови киритиш ваколатидан самарали фойдаланиш каби муҳим масалаларга доир маърузалар тингланди.

ни илгари суришда амалий аҳамият касб этади. Хусусан, бу борада маълум тажрибаларга эга эканимизни таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Шухрат Якубов худудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурларининг мазкур ҳудудда яшовчи партия доимий электротарнинг асосий манфаатлари билан боғлиқлиги, бу манфаатларнинг сиёсий партия дастурий мақсадларида ўз аксини топиши хусусида сўз юритди. Ушбу жараёнда партиянинг Сайловолди дастури ҳамда унинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракатлар Дастурида белгиланган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларни қамраб олувчи муҳим йўналишлар бўйича устувор вазифаларга эътибор қаратди.

Семинар-тренинглар давомида иштирокчилар кичик гуруҳларга бўлиган ҳолда мавзу юзасидан амалий машғулотлар олиб боришди. Кизгин мулоқот, савол-жавоблар тарзида ўтган семинар-тренингларда таклифлар ўртага ташланиб, зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Феруз ЖўРАЕВ,**  
**Шарипа ТОРЕШОВА,**  
**Шухратжон ҲАСАНОВ,**  
Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиблари

# ВАТАНИМНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН МЕН НИМА ҚИЛДИМ?

## ПАРТИЯДОШИМИЗ ЮТУҒИ

Андижонлик партиядошларимиз орасида тиббиёт ходимлари кўпчиликни ташкил этади. Улар аҳоли саломатлигини мустахкамлаш билан бирга турли тадбирлар ва партиявий ишларда ҳам доим фаол. Қўрғонтепа тумани тиббиёт бирлашмасига қаршали шошилинч тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Марғубохон Каримова ана шундай сафдошларимиздан бири.

## САФДОШИМИЗ — ТАНЛОВ ГОЛИБИ

Тиббиёт ҳамшираси учун беморларнинг нигоҳларида умид нурларини кўриш қувончли ҳолатдир. У беморларни нафақат билими, балки ширин сўзи, хушмуомалалиги билан ҳам даволайди.

Марғубохон Каримова ана шундай фазилатлари билан қисқа вақт ичида жамоада хурмат-эътибор топди. Яқинда билимдонлиги, заковати, ўз касбига садоқати туйғайли “Ҳамшира — 2016” кўрик-танловининг барча куйи босқичларидан ўтиб, вилоятда биринчи ўрин соҳиб бўлди ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш имконини қўлга киритди.

Мамлакатимизда биз, ёшларга бўлган эътибор ва ғам-хўрликлар ҳақида қанча гапирсак оз. Ушбу эътибор ва ғам-хўрликлар айни вақтда барчамизни ташаббускорликка, амалга ошириладиган ишотларда фаол иштирок этишга ундайди, — дейди М.Каримова. — Мен ҳам элимиз саломатлигини мустахкамлаш йўлида хизмат қилиш билан бирга халқ орасида бутунги сиёсатимиз, эришаётган ютуқларимиз ва юртимизнинг порлоқ келажак хусусида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб боришни ўз фуқаролик бурчим, деб биламан.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**  
“Adolat” муҳбири



## ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук, интеллектуал ривожланган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, айни пайтда, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, юксак салоҳият қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Эртанги кун бизники, марра бизники!” шiori остида ташкил этилган илмий маърузалар танлови ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

“Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси доирасида, республикада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ёшларни кенг жалб этиш, уларнинг иқтидори, илмий салоҳияти ва истеъдодидан унумли фойдаланиш, замонавий техника ва технологияларга бўлган кизиқишларини ошириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, уларда ижодий тафаккур ва яратувчанлик қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур танловнинг республика босқичи Тошкент молия институтида бўлиб ўтди.

Қувонарлиси, 6 та йўналиш бўйича ўтказилган мазкур танловнинг якуний босқичида партиядошимиз, Бухоро давлат университетининг 3-босқич талабаси Дилбар Расулова ўз илмий мақоласи билан катнашиб, хизмат кўрсатиш йўналишида биринчи ўринни қўлга киритди.

Танловда “Сайёҳлар эҳтиёжларини қондиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш” сарланхали илмий мақолам билан иштирок этдим, — дейди Дилбар Расулова. — Унда мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгрок жалб қилиш мақсадида туризм инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳлик иншоотларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, сайёҳликнинг транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш, худуддаги туристик маршрутлар ва хизматларни такомиллаштириш, сайёҳликнинг янги йўналишларини, махсуслотлар ва хизматларни ишлаб чиқиш ҳамда мамлакатимизда бу борада яратилган кенг имкониятлар акс эттирилган. Тадбир давомида иқтидорли тенгдошларимизнинг мазмунидор ва тараққиёт учун зарур илмий ғояларга бой маърузалари билан танишиб, бир-биримиз билан фикр алмашдик. Бизга яқиндан ёрдам берган устозлар, танлов ташкилотчиларидан беҳад миннатдоримиз. “Эртанги кун бизники, марра бизники!” деган шior мазмуни қалбу шууримизга янада мустахкам сингиб, бизни илҳомлантирмоқда.

Бундай тадбирлар ишжоватли йигит-қизларни янада фаол ва ташаббускор бўлишга, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, илм-фан сирларини чуқур ўрганишга, ўзи танлаган соҳада юксак марраларни эгаллашга ундайди.

**Обиджон ЗИЁДУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон “Адолат” СДП Когон туман кенгаши раиси ўринбосари



# СИЁСИЙ КУЧНИНГ МУҲИМ ТУЗИЛМАСИ

## БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Бугунги кунда партия аъзолари сафини кенгайтириш, ижтимоий-маърифий соҳада фаолликни, маслакдошларнинг сиёсий билим савияларини ошириш, ташкилотчилик ва тарғибот ишларини давр талабига мос тарзда олиб бориш, шубҳасиз, сиёсий кучнинг таянч бўғини — бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан саналади.

Шу боис партияимизнинг худудий кенгашларида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, уларда ташаббускор, фидойи ва ғайратли аъзоларни кўпайтиришга эътибор берилмоқда.

Жорий йилнинг май ойида вилоятимизнинг Бешарик туманидаги “Ҳамид Олимжон” маҳалласида сафдошларимиз жонбозлигида яна бир янги бошланғич партия ташкилоти иш бошлади. Ўқитувчилар, тиббиёт вакиллари, маҳалла фаолларидан иборат ушбу БПТга йигирма икки нафар сафдошимиз бирлашди.

Бешарик тиббиёт коллежида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Коллежимизда туман партия ташкилоти билан ҳамкорликда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар, мулоқотларда иштирок этар эканман, менда ҳам партия аъзоси сифатида ўз лойиҳаларим, ташаббусларим билан жамоада ишлаш, сиёсий ма-

ҳоратимни ошириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш истаги туғилди, — дейди Нодира Ибрагимова. — Туман партия ташкилоти раиси Бахтиёр Худойбердиевга аъзолар сафига кириш ҳақидаги аризамни топширганимда мен каби кизиқувчан ташаббускорлар атрофимда кам эмаслигига амин бўлдим. Ҳозирда улар билан биргаликда иш олиб бормоқдамиз.

Аъзоларимиз ичида шифокорлар ҳам талайгина, — дейди БПТ раиси Фарход Жўраев. — Яқинда уларнинг ташаббуси билан “Чорбоғ”, “Бой”, “Файзобод” маҳаллаларида нуронийлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Биз йигирмадан ортиқ хонадонларда бўлиб, кексаларимиз ҳолидан хабар олиш билан бирга соғлом турмуш тарзини буйича тарғибот сўхбатлари ўтказдик. Бу бизнинг биринчи хайрли тадбиримиз бўлди. БПТ аъзолари партиявий иш-



ларга фаол киришдилар. Эндиликда олдимизда турган аниқ ва пухта режаларимиз борки, уларни навбатма-навбат амалга ошириш, яқин натижаларини қўлга киритган ҳолда фаолиятимизни такомиллаштириб бориш, сафимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Албатта, халқимизда “Бирлашган ўзар” деган ибратли мақол бежиз айтилмаган. БПТ аъзолари билан яқиндан танишиб, уларнинг ҳар биридаги ғайрат ва ҳаракатчанликни кўриб, ту-

ман партия бўғинларига яна бир янги ва кучли жамоа қўшилганидан қувондик. Аниқ ва эзгу мақсадлари сари дадил қадим ташлаётган янги БПТ сиёсий кучнинг муҳим тузилмаси сифатида маҳалла аҳлининг ишончига сазовор бўлишга астойдил интилаётганлиги фаолиятда ўз самарасини беришига амин бўлдик.

**Қомила ИСРОИЛОВА,**  
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш жараёни ниҳоятда мураккаб. У кўп энергия талаб қилади. Айни пайтда, ишлаб чиқариш жараёни тўла автоматлаштирилган бўлиб, у компьютерлар ёрдамида бошқарилади. Бошқарув тизимига дунёга машхур "Honeywell" ва "Siemens" фирмаларининг компьютерлари ўрнатилган. Уларни маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган етук ва малакали ишчилар бошқаради. Бундай хайратомуз ишлаб чиқариш жараёнини кўриб Президентимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам", деган сўзлари хаёлимизда айланади.


Заводда бугунги кунда 1400 дан ошқин ишчилар фаолият юритаётган бўлса, уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Сода заводи ишга тушган 2006 йилда салкам 13 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилга келиб умумий маҳсулот ҳажми 90 минг тоннага етди. 2013 йилда эса 96 минг тоннадан ошқин кальцинацияланган сода тайёрланди. Эндилкида ялпи маҳсулот ҳажми режада белгиланган 100 минг тоннадан ошмоқда. Қўнғирот сода заводи нафақат республикада, балки Марказий Осиёда ягона бўлган улкан корхоналардан бири саналади. Заводни айланар экансиз, бу ердаги мухташам иншоотлар, маҳобатли иморатлар, ишлаб чиқариш цехлари, лаборатория биналарини кўриб, халқимизнинг нафақат замонавий шахарсозлик яратишда, балки дунёга кўз-кўз қилса арзийдиган, халқаро талабларга жавоб берадиган йирик корхоналар барпо этишда ҳам қудратли бунёдкор кучга эга эканлигидан қалбингиз гурурга тўлади.

— Қўнғирот сода заводини мустақиллик даврининг мўъжизаси, деб атагим келади. Бу мўъжиза — заводнинг маҳобатли иншоотлари, иморатлари, янги ишлаб чиқариш воситалари, дастгоҳлари, тайёр маҳсулотлари, шу ерда фаолият юритаётган ишчи-ҳодимлари тимсолида намоён бўлади, — дейди завод бош муҳандиси Ахмад Бегдуллаев. — Президентимиз ғоялари, ташаббуси асосида завод хитойлик ҳамкорларнинг кўмағида халқимиз томонидан бунёд этилди. Бу бунёдкорлик нафақат Қўнғирот ва Қорақалпоғистон учун, балки республикамиз ҳаётида ҳам ниҳоятда улдувор янгиллик бўлди. Бугун маҳсулотларимизни мамлакатимиз корхоналаридан ташқари ўндан ортик давлатларга экспорт қилмоқдамиз. Маҳсулотларимиз харидорлари сафи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буларнинг бари заводимиз ишчи-хизматчиларнинг қалбида фахрийфихор туйғувини уйғотади.

Қўнғирот шахридан сода заводиға борғунча Устюрт текислигининг бепоён даштларидан ўтиб борасиз. Атроф бийдай дала. На бир гиёҳ кўзга ташланади, на бир дарахт. Бу ерларга аввал инсон қадами текканига ҳам ишонинг келмайди. Сувсизликдан қакраб ётган дашт бағрида ниҳоятда улдувор завод барпо этилгани тасаввурингизга ҳам сиғмайди. Ана шунда узоклардан заводнинг улдувор иншоотлари кўзга ташлана бошлайди. Кейин гўзал турар жойлар барпо қилинаётган "Элобод" шахарчаси, кўм-кўк дарахтзорлар, гуллар барқуриб очилиб ётган хиёбон намоён бўлади.

Булар гўё эртақлардаги сахаролар бағрида пайдо бўлиб қоладиган афсонавий боғларни эслатади. Лекин бу айтаётганларимиз эртақ эмас, ҳақиқат. Инсон кўли билан қиска муддат ичида, 15-20 йил орасида бунёд этилган ҳаётнинг гўзал манзараси. Бугун ана шундай улдувор иншоотлар инсониятнинг ақл-идроки ниҳоятда қудратли эканлигини, давримиз техника асри эканлигини хар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ намоён этади. Қўнғирот сода заводини келгусида янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш вазифалари белгиланган. Кальцинацияланган содаға ички ва ташқи бозорда талабинг ортиб бораётганлиги сабабли мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасининг саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорига асосан Қўнғирот сода заводи ишлаб чиқариш қувватини йилга 100 минг тоннадан 200 минг тоннага кўпайтириш режалаштирилган. Шундан сўнг заводни янада кенгайтириш, кўшимча цехлар барпо этиш борасида ҳамкорлик учун яна Хитойнинг "СГПС" компанияси билан шартнома имзоланди. Бу ишлар учун 81,2 миллион доллар маблағ ажратилди. Бугунги кунда завод худудида қурилиш ишлари давом этмоқда. Демак, заводнинг кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватининг ошиши янги иш ўринлари пайдо бўлишига, корхонанинг йириклашишига, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хорижий мамлакатларга экспорт ҳажми кўпайишига замин яратади.

Мамлакатимиз ҳаритасида Устюрт кенгликларидан Элобод шахарчаси Ватанимизнинг мустақиллигини кўлга киритиши ва Қўнғирот сода заводининг барпо этилиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлди. Шаҳарча атрофи ниҳоятда кенг, тоза ҳаво доимо уфуриб турадиган очик яланликда бунёд қилинган. Унинг илк биналари 1996 йилдан қурила бошланган. Сувсизликдан қакраган дашт бағрида бирор овул ёки посёлка барпо этиш осон кечадиган жараён эмас. Шунинг учун қурувчилар иш




## ЭЛОБОДНИНГ ОБОД МАСКАНЛАРИ

бу ерга сув келтиришдан бошладилар. Қўнғиротдан тортиб келинган сув бу ерга ҳаёт бағишлади. Дастлаб бу ерда завод қурувчилари учун хар бири 96 ўринлик 6 та ётоқхона тикланди. Кейин кичик оилаларга мўлжалланган хар бири 24 секциядан иборат 4 та турар жой қурилди. Шундан сўнг талабларга мувофиқ 3 қаватли 18 хонадонли 8 та уй барпо қилинди. Шулар билан биргаликда болалар боғчаси, мактаб, даволаш профилактика маркази, савдо дўконлари, нон маҳсулотлари тайёрлаш цехи, ёпиқ бозорча ва бошқа ижтимоий инфраструктура объектлари ишга туширилди. Шаҳарча ана шу асосда шаклланди. У аввал завод қурувчиларининг яшаш масканига айланган бўлса, эндилкида корхона ишчилари учун кадрдон тўшаға айланган. Шаҳарчада Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаеси Президентининг 2005 йил 16 мартдаги 10-сонли қарорига мувофиқ Элобод посёлка фуқа

Янги маиший хизмат кўрсатиш масканлари ишга туширилди. Шаҳарчамазда хар хил касб эгалари пайдо бўлди. Саломатлик, савдо марказлари, янги чойхоналар, мехмонхоналар фаолият юритмоқда. Умуман, Элобод Устюрт даштининг марказига айланмоқда. Элобод шахарчаси аҳолисининг ва Қўнғирот сода заводида ишлайдиган ишчиларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Шунинг учун бу ердаги иншоотларнинг кўпчилиги болалар ва ёшларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олиниб барпо этилган. Посёлкада 96 ўринли болалар боғчаси фаолият юритмоқда. Бир пайтлари бу ерда тарбияланувчилар сони 15-20 тадан ошмас эди. Эндилкида улар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Шаҳарча марказида мактаб 320 ўқувчига таълим беришга мўлжаллаб қурилган. Ушбу таълим маскани иш бошланган дастлабки пайтларда баъзи синфларда икки-учтадан

ми очилди. Бўлим аудиториялари замонавий компьютер техникалари, лаборатория қурилмалари ва бошқа техник жиҳозлар билан таъминланди. Талабаларни ўқитиш учун Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети, Қорақалпоқ давлат университети ва бошқа олий ўқув юртларидан юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб қилинди. Эндилкида бу ерда хар йили 4 та мутахассислик бўйича 65 нафар бакалавр, 5 та йўналиш бўйича 15 нафар магистр етишиб чиқиб, улар заводда фаолиятини давом эттирмоқда. Умуман, Элободда узлуксиз таълим тизими ва ёшларни иш билан таъминлаш жараёни тўла самара бермоқда. — Элободда турли миллат ва элат вакиллари бир ахил оиладай бўлиб яшашади. Улар орасида водийдан, Сурхон, Қашқадарё воҳасидан, Самарқанд, Бухоро, Хоразмдан ва бошқа жойлардан келиб яшашган ва ишлаётганлар кўпчилигини таш-



ролар йиғини ташкил этилди. Шу тариқа Элобод истиқлол даври шахарсозлигининг илк намуналаридан бирига айланди. — Элобод дарахтзорлар бағрида барпо этилган, яшиллик қўйнига кўмилган шахарча, — дейди посёлка фуқаролар йиғини раиси Гулистон Хўжамберганова. — Унинг марказий йўлидан тортиб хар бир кўчаси, йўлга атрофида ўзига хос эколандшафт тизими яратилган. Гуллар, гулзорлар эрта баҳордан то кеч кузгача атрофга ифор таратади, турфа рангларда очилиб ётади. Аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш борасида катта ишлар қилинмоқда. Кейинги икки-уч йил ичида ўнлаб оилалар учун намунавий лойиҳалар асосида уйлар қурилиб, эгаларига топширилди.

ўқувчи таълим олган. Бугунги кунда эса мактабда барча синфлар иккитадан ташкил этилган. 2008 йилда шахарчада яна бир таълим маскани — Кимё саноати касбхона коллежи очилди. Натижада элободлик ёшлар бошқа шахарларга бормасдан шу ернинг ўзида ўқишни давом эттирадиган бўлдилар. Мамлакатимиз раҳбари Элобод ёшларига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг етук инсонлар бўлиб вояға етишлари учун барча имкониятларни яратиб бермоқда. Заводни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 13 апрелдаги 49-сонли қарори асосида Қўнғирот сода заводи қошида Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртки бўли-

қил қилади. Бу ёшларнинг аксарияти шу ерда таълим олишган, оила қуришган, заводда ишлашмоқда. Ҳаётлари шу замин билан мустаҳкам боғланган, — дейди корхона бўлим бошлиғи Алишер Маматхўжаев. — Мана, мен, асли наманганликман. Фарзандларим бор. Элобод бизнинг ўз элимизга айлиб қолган. Лекин мен яна бир ҳақиқатни чуқурроқ аниглаб етдим. Яқинда оиламиз билан ота-онами кўриш учун Наманганга бордик. Икки кундан кейин болаларим ўз уйимизга кетамиз, деб туриб олишди. Ўн кунлик сафаримиз уч кунда якунига етди. Элободда қайтдик. Ана шунда мен бу маскан болаларим учун чинакам Ватан эканлигини яққол хис қилдим. Бугун Элободнинг хар бир оиласида ана шун-

## Мўъжизалар юрти

*Халқимизнинг орасида "Мўъжизалар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, у инсонлар томонидан яратилади", деган гап юради. Улуғ шоирларимиздан бири эса халқимиз томонидан закийлик билан айтилган бу фикрни:*

**Тақдирин кўл билан яратур инсон, Ғойибдан келажак бахт бир афсона,**  
дея гўзал мисраларда ифодаланган. Ҳақиқатан, бахт ҳам, мўъжиза ҳам ўз-ўзидан келмайди. Уни инсон ақл-заковати, меҳнати билан яратади. Бу ҳақиқат ҳаётда кўп бор амалий ифодасини топган. Бунга ҳар биримиз ўз умр йўлларимизда гувоҳ бўлганмиз. Юртимизнинг буенги ҳаётидаги халқимизнинг ўз қўли билан яратган мўъжизаларидан бири Устюрт кенгликларидан Қўнғирот сода заводи ва Элобод шахарчасининг қад ростилаш бўлиб, десам, асло янглишмайман.

*Бир тасаввур қилинг: кимсасиз дашт бағрида 5-6 йил ичида 100 гектардан ошқин худудда дунё миқёсида катта нуфузга эга бўлган, маҳобатли иншоотлар, самоға бўй чўзган каскадларга, минораларга, 7-8 қаватли биналарга тенг цехларга эга улдувор завод бунёд этилиши ва бу завод мамлакатимиз саноат тараққиётида ўзига хос ўрин эгаллаш халқимиз қўли билан яратилган мўъжиза эмасми?!*

Эки завод бағридаги цехларда дунёда маълум машхўр янги, мураккаб технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, заминчиликдаги хомашё — оҳақтош ва ош туздан энг олий навли кальцинацияланган сода ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ компьютерлар ёрдамида бошқариш, компьютерлар тизимини бошқариш эса миллатимиз вақиллари бўлган ёш йигит-қизлар томонидан

*амалга оширилаётгани халқимиз ақл-заковати билан амалга оширилаётган мўъжиза эмасми?!*

Президентимиз заводимиз қошида Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртки бўлимини ташкил этиш ҳақида тақлиф бидирганида бу ишнинг моҳиятини чуқур аниглаб етмаган эдик. Кейин фаолиятимиз давомида шу нарса маълум бўлдики, фан билан ишлаб чиқаришни ўзаро уйғунлаштириш ҳаётини зарурат экан. Юртбошимиз бу тақлифи билан фан ютуқларини ишлаб чиқаришга яқинлаштирган экан. Заводимизда ишлаб чиқариш жараёнида ўнлаб фан янгиликлари ҳаётга жорий қилиндики, бунинг натижасида катта ютуқларга эришдик. Булар ҳам мўъжиза-кор ишларнинг асоси ҳисобланади.

Эҳуд одам юрса оёғи, қуш усқа қаноти қуядиган жойда, бир қўлтам сув тиллоға тенг

дай жажжи ватанпарварлар вояға етмоқда. 2007 йилнинг 17 майида мамлакатимиз Президенти Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюриб, Қўнғирот сода заводи ва Элобод посёлкасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари завод қурилишига, бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига, корхонани компьютерлар ёрдамида бошқарув тизимига, бошқарув жараёнини юртимиз йигит-қизлари, ёш малакали мутахассислар амалга ошираётганига юксак баҳо берди. Ҳақиқатан ҳам, завод нафақат Марказий Осиёда ягона, балки бутун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ҳам катта нуфузга эга. Маълумки, бундай маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод илгари фақат Россияда, Бошқирдистонда мавжуд эди. Унда тайёрланадиган кальцинацияланган сода 1-2 навлардан иборат эди. Қўнғирот сода заводида ишлаб чиқарилаётган сода эса олий нав саналади. Шунинг учун унинг маҳсулотига талаб катта. Президентимиз корхона билан танишар экан, завод ва ишчилар яшайдиган Элобод посёлкасини янада обод қилиш, замонавий биналар, турар жойлар барпо этиш, шу заминга ҳаётини бағишлаган ёшлар учун барча шароитларни яратиб бериш, посёлка ва корхонани энг яхши йўл, алоқа хизмати — замонавий коммуникация тармоқлари билан боғлаш каби ниҳоятда муҳим ишларни амалга ошириш хусусида кўрсатмалар берган эди.

Бугунги кунда Юртбошимизнинг ана шу кўрсатмалари ҳаётда амалий ифодасини топмоқда. Шаҳарча яқиндан ўтадиган, барча талабларга жавоб берадиган, Қўнғирот—Бейнов замонавий магистраль автотрассаси барпо этилди. Бу йўл завод ва посёлкани нафақат Қўнғирот ва Нукус билан, балки мамлакатимизнинг барча шахарлари билан боғлади. Шаҳарнинг иккинчи томонида эса Нукус—Қўнғирот—Бейновни бирлаштирган Оролбўйи темир йўл магистраладида поездлар қатнамоқда. Шаҳарча яқинида қурилган "Қунхожа" темир йўл бекати ҳам элободликларнинг оғирини энгил қилмоқда, ҳам завод маҳсулотларини ташинида қулайлик туғдирмоқда. Посёлка бағрида кейинги йилларда шифокорлик пункти, савдо шохобчалари, янги намунавий турар жойлар бунёд қилинди. Элобод, ҳақиқатан ҳам обод, кўркам шахарчага айланмоқда.

— Бу адоқсиз дашт бағрида кўп юрганман. Устюрт кенгликларидан фауна олами ни ўрганиш учун илмий тадқиқотлар олиб борганман. Илгари Қўнғиротдан кейин 50-60 километрлик оралик масофаларда бирорта онул ёки қорақалпоқ чорвадорларининг ўтовларидан бошқа кўзга ташланадиган жой йўқ эди. Кейинги 15 йил ичида дашт бағрида сода заводининг барпо этилиши, кичик шахарчанинг қад ростилаш ҳаёлга сиғмайдиган орзунинг амалий ифодаси бўлибди, — дейди франциялик олим Серж Ле Геррек. — Агар мен бу завод ва шахарчани ўз кўзим билан кўрмаганимда, бу бепоён дашт бағрида бир кишлоқ бунёд этилибди, деса ҳам ишонмаган бўлардим. Завод ҳам, Элобод ҳам халқимиз қахрамонона меҳнати, ўз юртига муҳаббатининг ифодаси, ҳақиқий мўъжизанинг намунасирид.

Элобод посёлкасининг умумий худуди 30 гектардан ошқини ташкил этади. Бу ерда 540 оила бағрида 2300 нафарга яқин фуқаро ҳаёт кечирмоқда. Келгусида шахарчанинг худуди ҳам, аҳолиси ҳам кенгайиши ва кўпайиши аниқ. Қўнғирот сода заводида маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш муносабати билан корхонада янги қурилиш ишлари олиб борилаётган экан, бу янги иш ўринлари юзага келишини таъминлайди. Қўшимча иш ўринларининг пайдо бўлиши Элободда янги турар жойлар, болалар боғчалари, мактаблар, коллеж ва лицейлар қурилишини талаб этади. Демак, шахарчада бунёдкорлик ишлари давом этади. Шаҳарчанинг ўз марказий қўчаси, хиёбони, майдони бор. Элободдан етишиб чиққан ёш санъаткорларнинг қуй-қўшиқлари узокларга таралади. Бундай пайтда уйкудаги дашт уйғонгандек таассурот уйғонади, кишида. Бугун шахарчада янги 2 қаватли савдо маркази, автостанция, бозор, мухташам мехмонхона қурилиши давом этмоқда. Келгусида эса улар ёнида замонавий спорт комплекси, истироҳат боғи, маданий-маиший хизмат кўрсатадиган янги шохобчалар ҳам қад ростлайди. Бошқача айтганда, Ватанимиз кўлга киритган озодлик, эркинлик, ўз ҳақ-хуқуқига эгаллик дашт бағрида ана шундай бунёдкорликларга, яратувчиларга йўл очиб берди.

**Бугун Қорақалпоғистон замини саноат, ишлаб чиқариш, қурилиш, шахарсозлик, аграр ва бошқа соҳаларда катта ўзгаришлар, улдувор янгиланишлар қўйнида яшамоқда. Бу ўзгаришлар, янгиланишлар асосида эса халқимизнинг она Ватанимизга чексиз эҳтироми, сўнмас меҳр-муҳаббати ўз ифодасини топган.**

**Қаллибек САҒАРОВ,**  
Қўнғирот сода заводи  
цех устаси,  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
аъзоси

**Комол МАТЎҚУБОВ,**  
"Адолат" муҳбири

БЕГОНАГА ҚОЛМАСИН, ДЕБ...

асл бойлик фарзанд эканини унутманг

ФАОЛИЯТ

Касбим туфайли турли оилавий муаммоларга аралашшимга тўғри келади. Яқинда ҳузуримга келган аёл афсус оҳангида гап бошлади. — Узоқ вилоятда опам ва синглим яшади, — деди у ўзини таништиргач. — Синглим ўтган йили Феруза опамнинг 17 ёшли қизини келин қилди. Ростини, опам аввалига бунга қарши бўлса, халқ орасида қўйингдан тўкилса кўнжинга, деган гап бор. Опамнинг қизини келин қилсам, бунинг нимаси ёмон? Қолаверса, шунча йиққан-терганларим етти ёт бегонага қолишини хоҳламайман”, дея оёқ тираб туриб олди.



лар хамон учраб турибди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар қайд этилган бўлиб, улардан бири насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар, туғилган ва ўғай ака-укалар билан она-сингиллар, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасидаги никоҳдир. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ногирон, майиб-мажруҳ фарзанд туғилган оила мустаҳкам бўладими?

Шу боис опам ноилжоз розилик бергани. Йигирма кунча аввал жияним Дилнавознинг кўзи ёриди. Лекин чақалоқ ногирон туғилди. Оқибатда синглим айбни ўзидан кидириш ўрнига “Менга ногирон назира керак эмас”, деб келиннинг уйдан ҳайдади. Дилнавоз онасининг уйига қайтиб боришга ботинмай, меникига келибди. Энди нима қилишга ҳайронман. Сиз нима маслаҳат берасиз?

Албатта, биз она-сингил кудаларга бамаслаҳат иш тутишлари лозимлигини, ақс ҳолда, келин жажл устидан бирор хатога йўл қўйиши мумкинлигини тушунтирдик. Қолаверса, порасида гўдакда ҳеч қандай гуноҳ йўқлигини ҳам уқтирдик.

Афсуски, юқоридаги каби ноҳуш ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлувчи эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ-

лар хамон учраб турибди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар қайд этилган бўлиб, улардан бири насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар, туғилган ва ўғай ака-укалар билан она-сингиллар, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасидаги никоҳдир. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ногирон, майиб-мажруҳ фарзанд туғилган оила мустаҳкам бўладими?

Маълумки, оила мустаҳкамлиги никоҳнинг қонунийлиги, ота-онанинг масъулияти, қолаверса, фарзандларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбияланишига боғлиқ. Бунинг учун юртимизда барча ҳуқуқий асослар яратилган. 2003 йил 25 августда Ва-

Давлат дастури тўғрисида”ги, 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарорларнинг қабул қилиниши ана шу эзгу мақсадларга қаратилган. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида ҳуқуқий тартибот ишлари кенг олиб борилаётган. Тушунтиришлар натижа-сида эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, бундай ҳаётликка йўл қўймаслик кераклигини кўпчилик англаб етмоқда.

Лекин минг афсуски, айрим она-сингилларимиз оқибатини ўйламай, бўлмағур орзу-хавасларини деб фарзанднинг тақдирини чигал муаммоларга дуч килиб қўйишмоқда. Негаки, турмуш қурган яқин қариндошларнинг фарзанди аксарият ҳолларда ногирон туғилиши фан ва тиб-

биётда аллақачон исботланган. Қолаверса, эрта турмуш қурган, яъни 20 ёшгача бўлган оналардан туғилган болаларнинг соғли-дан муаммолар бўлиши 20-29 ёшдаги оналардан туғилган болаларга нисбатан кўпроқ кузатилади.

Чуст туман ФХДЭ бўлими томонидан туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, тиббиёт бирлашмаси ходимлари, кишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, таълим муассасалари билан ҳамкорликда олиб бораётган кенг қўламли ҳуқуқий тартибот тадбирларимизда ота-оналарга, ёшларга, айниқса, бўлажак қудаларга эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг аянчи оқибатларини тушунтиришга ҳамда шу орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга жиддий эътибор қаратаймиз. Натижада эрта никоҳлар, ёлғиз она ариза-си асосида туғилиши қайд этиш ҳолатлари камаймоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, биз барча оилаларда фарзанднинг соғлом дунёга келишини истаймиз ва тарғибот тадбирларида бунинг учун тушунтиришга интиламиз. Аслида бу ҳар бир ота-онанинг ҳам истаги саналади. Шундай экан, ота-оналар, бўлгуси келин-куёвлар турмуш қуриш учун мақбул ёш, никоҳдан аввалги тиббий кўрик масалаларига жиддий эътибор қаратишлари зарур.

Нодира ЖАЛОЛОВА, Чуст туман ФХДЭ бўлими мудир

ҲАМ ҚУЛАЙ, ҲАМ АРЗОН, ЛЕКИН...

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Техника ва технология тараққий этган ҳозирги даврда шахримиз кўчаларини, автомагистраль йўллари замонавий русумдаги транспорт воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилмоқда.

Аммо автомобиллар йилдан-йилга қўйиб бораётгани, йўл ва чорраҳаларда тирбандликлар юзага келадигани, қанчадан-қанча ҳайдовчи ва йўловчилар қимматли вақтини йўқотаётгани баробарида, ёнлиги сарфи ортиб, атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўлаётганидан ҳам кўз юма олмаيمиз. Шу ўринда, транспорт воситалари ҳаракатини меъёрлаш, инсон саломатлигини яхшилаш ниятида яна бир транспорт тури — велосипеддан фойдаланишни ҳам аҳоли орасида омма-лаштириш мақсада мувофиқ бўларди. Бу, ўз навбатида, шаҳарда экологик мувозабат сақланишига, техника ва ёқилни учун сарфланган маблағлар тежаланишига олиб келарди. Транспорт ҳаракати тизимини яхшилашга ҳам хизмат қиларди.

Таъкидлаш жоизки, кўпчилик юртдошларимиз велосипедни нафақат улов, балки саломатлигини мустаҳкамлашнинг беинбат воситаси сифатида ҳам алоҳида қадрлайди. Маълумки, умуртка касалликлари, юрак-қон томир тизимидаги муаммолар, иммунитет заифлашиши, ортика вази, сурункали чарчаш сингари қатор хасталикларнинг пайдо бўлишига камҳаракатлилик сабаб бўлади. Қанди диабет ҳам ҳаракатсиз турмуш тарзига одатланиб қолган одамларда кўпроқ учрайди. Шунинг учун пиёда юриш ёки велосипед хайдаш соғлом турмуш тарзида муҳим ўрин эгаллайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, велосипеддан фойдаланган инсон жисмонан соғлом, рухан тетик бўлади. Қон томирлари ва юрак мушаклари мустаҳкамланади, организмнинг умумий соғломлик даражаси ошади. Нафас олиш орқали ҳаво микдори ошгани боис қоннинг кислородга тўйиниши яхшиланади, модда алмашинуви меъёрланади. Юрганда ва хатто югурганда ҳам етарли даражада фаол бўлмайдиган оёқ мушаклари велосипед хайдаганда чинилади. Шу билан бирга, кишида ҳаракатлар уйғунлиги ва энциклик шаклланади. Узоқни яхши кўролмаслик каби кўз касаллигининг олдини олишда ҳам велосипед ажойиб восита ҳисобланади.

Шундай экан, қўлаб хорижий мамлакатларнинг ҳаётий тажрибасида синовдан ўтган бу транспорт туридан юрти-мизда, хусусан, шаҳарларимизда фойдаланиш учун нима-лар қилиш зарур? Бунинг учун, табиийки, велосипед сотиб олиш керак. Агар велосипед сотиб олишга имконингиз бўлмаса-чи? Унда ижарага олиш керак. Ижара эса... дарвоқе, бошқа шаҳарларни бўлмади, лекин пойтахтимизда велосипедларни ижарага берадиган шохобчалар кўп. Бундай

шохобчаларни аҳоли гавжум жойларда, масалан, савдо марказларида, серкатнов кўчалар бўйида, хатто пиёдалар ўтиш йўлакларини ёнгинасида ҳам учратиб мумкин. Бир сафга тизиб қўйилган турли русумдаги велосипедлар сизга мунтазир. Ижара-ку тайёр, аммо...

Велосипедларни ижарага берувчи шохобчаларни кўздан кечирганимизда, ушбу транспорт воситасини бир соатта олиш 5 минг сўмдан 10 минг сўмгача эканини кузатиш мумкин. Бунинг учун белгиланган суммани тўлашдан ташқари паспортни гаровга қолдириш ҳам талаб этиларкан. Ўз-ўзидан саволлар туғилади: шахсимизни тасдиқловчи муҳим ҳужжатни гаров сифатида қўйиладиган асосий талабларга биноан, у товуш бергич мослама билан жиҳозланган ва тормози соз бўлиши зарур. Қоронғида ва етарли кўринмаслик шароитида велосипеднинг олд томонига оқ рангли, орқа томонига қизил рангли чирокча ёки қизил рангли нур қайтаргич, ён томонларига эса зарғалдоқ ёки қизил рангли нур қайтаргич ўрнатилиши шарт.

Йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчилари сингари велосипедчилар ҳам ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги учун қонуний тартибда жавобгар ҳисобланади. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 138-моддасида велосипед хайдовчиларининг йўл ҳаракатини тартибга солиувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устулик берувчи, тақисловчи ёки қўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги — энг кам иш ҳақининг учдан бири қисми миқдорда, йўл ҳаракати қоидаларини бузиши оқибатида авария ҳолатини вужудга келтириши — энг кам иш ҳақининг бири баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Афсуски, велосипедларни ижарага олувчи баъзи ёшлар юқорида келтирилган тартиб-қоидаларни билмайди. Шохобчадагилар эса негадир бу борада тартибот олиб боришни, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар беришни лозим топмайди. Албатта, велосипед хайдашни омма-лаштириш учун, биринчи навбатда, йўлларнинг икки четидан махсус йўлаклар ажратилиши зарур. Бундай йўлак-



да велосипедчилар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ҳамда ўзаро бир-бирини ва уларни қувиб ўтишни осонлаштирадиган гуруҳларга бўлиниши керак. Велосипедга қўйиладиган асосий талабларга биноан, у товуш бергич мослама билан жиҳозланган ва тормози соз бўлиши зарур. Қоронғида ва етарли кўринмаслик шароитида велосипеднинг олд томонига оқ рангли, орқа томонига қизил рангли чирокча ёки қизил рангли нур қайтаргич, ён томонларига эса зарғалдоқ ёки қизил рангли нур қайтаргич ўрнатилиши шарт.

Йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчилари сингари велосипедчилар ҳам ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги учун қонуний тартибда жавобгар ҳисобланади. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 138-моддасида велосипед хайдовчиларининг йўл ҳаракатини тартибга солиувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устулик берувчи, тақисловчи ёки қўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги — энг кам иш ҳақининг учдан бири қисми миқдорда, йўл ҳаракати қоидаларини бузиши оқибатида авария ҳолатини вужудга келтириши — энг кам иш ҳақининг бири баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Афсуски, велосипедларни ижарага олувчи баъзи ёшлар юқорида келтирилган тартиб-қоидаларни билмайди. Шохобчадагилар эса негадир бу борада тартибот олиб боришни, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар беришни лозим топмайди. Албатта, велосипед хайдашни омма-лаштириш учун, биринчи навбатда, йўлларнинг икки четидан махсус йўлаклар ажратилиши зарур. Бундай йўлак-

лар велосипедларнинг бошқа транспорт воситаларига ва пиёдаларга ҳалакат бермаслиги ҳамда хавфсизлик нуқтан назардан ҳам керак. Бундан ташқари, велосипедларни қўйиш учун махсус жойлар бўлиши лозим.

Бугун дунёнинг қатор мамлакатларида автотранспорт воситаларининг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига етказилган салбий таъсирини ҳисобга олган ҳолда улар экологик тоза уловларга алмаштирилмоқда. Германия, Италия, Франция, Нидерландия, Бельгия, Дания ва бошқа давлатларнинг айрим шаҳарларида велосипедлар аллақачон жамоат транспортига айланб улгурди. Масалан, Дания шаҳарларида ҳар бир ташкилот ва корхоналар, ўқув муассасалари, дўконлар, метро бекатлари ёнида велосипедлар учун махсус турар жойлар ташкил этилган, велосипедлар ҳаракат-ланиши учун алоҳида йўлаклар мавжуд.

Бундай лойиҳалар Осиё қитъасида (Хитой, Корея, Вьетнам, Таиланд ва бошқа давлатларда) ҳам оммалашайётганини кузатиш мумкин.

Велосипед экологик жиҳатдан тоза, ортиқча ҳаражат талаб қилмайди, янада муҳими, инсон соғлигини мустаҳкамлаш учун ҳам фойдали восита. Шу боис тур-тимиз шаҳар ва қишлоқларида велосипед аҳолининг эҳтиёжи, ёшларнинг қизиқиши ортаётгани бежиз эмас. Истиклол йилларида республикамизнинг бир неча вилоятида замонавий русумдаги велосипедлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Нархи ҳамёнбоплигидан ташқари, улар тақди диэзини, қўшимча имконият ва қулайликлари жиҳатидан ҳам хориж-никидан асло қолишмайди.

Шу билан бирга, айниқса, шаҳар ҳудудларида велотранспортга оид инфраструктуранинг ривожлантириш, велосипедларни ижарага берувчи шохобчалар замон талабларига мос фаолият юритишни назорат қилиш бора-сида мутахассислар ўрганишлари олиб бориб, зарур тақлифларни ишлаб чиқса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Суюндик МАМИРОВ, «Adolat» муҳбири

Хуқуқий маслаҳат

— Адвокатлар иштирок этиши шарт бўлган жиноят ва фуқаролик ишлари ҳақида билмоқчи эдим? Д.Аҳмедов, Китоб тумани

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ЖПКга асосан судда айбланаётган шахса ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасига асосан адвокатлар иштирок этиши шарт бўлган ишлар қуйидагилар:

- 1. Вояга етмаганларнинг иши бўйича;
2. Соқовлар, қарлар, кўрлар, жисмоний нуқсонли ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;
3. Судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;
4. Жазо чораси сифатида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишида гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;
5. Шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;
6. Давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси ишти-рок этаётган ишлар бўйича;
7. Жабратлувчининг вакили сифатида адвокат ишти-рок этаётган ишларда;
8. Тиббий тўғридан мажбурув чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Юқорида келтирилган ишларда адвокатнинг иштироки таъминланиши шартлиги ҳам қонунийликда белгилаб берилган.

Бундан ташқари, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишининг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлар ту-файли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этиши шарт, деб топишга ҳақлидир. Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳолатларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи тақлиф қилин-маган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгилана-диган адвокатлик тузилмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи тайинлаш тўғриси-даги қарори ёки суднинг ажримига биноан қарор ёхуд ажрим Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси-нинг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соатдан кечиктирмай жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштирокини таъминлаш шарт.

Савдога Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси қатта маслаҳатчиси З.ФОЗИЕВ жавоб берди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари, кичик бизнес субъектлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: «Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги Фарғона давлат университети ҳудудини обдонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари».

Бошланғич нархи: 1 419 624 400 сўм ҚҚС билан; 1 183 020 334 сўм ҚҚСиз.

Муддати — 2 ой.

Манзил: Фарғона шаҳар Темирийўл кўчаси 37, тел. (0 595) 401-52-01.401-52-05.

Қурилиш-монтаж ишлари: Давлат бюджет маблағ-лари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлашти-рилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 миллион сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконстрак-ция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдола-ри иштирокчиларининг тижорат тақлифлари тенг баҳо-ланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар бери-лади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва кор-хоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг ка-мида 20% миқдорда айлана маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағ-ларни тақдим қилишга банк қафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шарт-нома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифла-рини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳуж-жатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қий-мат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хиз-матлар)нинг импортга етказиб бериладиган танлов тақлиф-лари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолаш-да кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўрновнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакл-лантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги ман-зил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний 36-уй, телефон/факс: (373)244-68-90, 998-98-276-25-48 Танлов ҳужжатлари бир тўпламнинг нархи — 100 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томони-дан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақ-тигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кун-дан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин (куни ва вақти хабарнома орқали малум қилинади) Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний 36-уй манзилда ўтказилади.





МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК —
ЮТУҚЛАР КАЛИТИ

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожла-
нишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-
лик субъектларининг улуши йилдан-йилга
ортиб бормоқда. Хусусан, давлатимиз раҳба-
рининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк,
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни
ишончли ҳимоя қилиши таъминлаш, уларни
жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни
бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"-
ги Фармони қабул қилиниши айни соҳада
изчил амалга оширилаётган ислохотларни
яна бир поғона юқорига кўтарди. Бунинг
натijasида ишбилармонлик йўлини танлаган
ёшлар сафи ҳам кенгаймоқда.

Айтиш жоизки, мазкур жараёнда банк-мо-
лия муассасалари тизими ҳам фаол иштирок
этноқда. Жойларда банкларни ўзларининг
яқин кўмакчиси ва сунячиғи деб билаётган
тадбиркорлар имтиёзли кредитлар эвазига
кўзлаган мақсадларига эришмоқдалар. Буни
"Асака" акциядорлик-тижорат банки Андижон
вилояти филиалининг тадбиркорларни
қўллаб-қувватлаш, мижозлар билан ишлаш
борасидаги илғор тажрибалари мисолида
ҳам кўриш мумкин.



ЯНГИ ИШ ҲРИНЛАРИ ЯРАТИЛДИ

Ҳалимжон Каримов, Балқичи туманидаги
"Садаф ниҳоли" фермер хўжалиғи раҳбари:

— Истиқлол йилларида банк муассасалари биз каби қишлоқ мулкдорларини
доимий қўллаб-қувватлаб, режалаштирган лойиҳаларимизни ҳаётга татбиқ
этишда яқиндан кўмак бераётганидан хурсандимиз.

Бизнинг хўжалиғимиз узоқ йиллардан бери "Асака" банкнинг Андижон вилояти
филиали мижозидир. Фермер хўжалиғимиз узумчилик ва боғдорчиликка ихтисос-
лашган бўлиб, 22,1 гектар ер майдонига эга. Бовонларимиз узумнинг "Ризамат
ота", "Келинбармоқ", "Кетмонсон", "Хусайин" сингари саноатбон навларини
юқори агротехник қоидалар асосида парварши қилмоқдалар. Бундан ташқари,
олма, гилос, анор меваларидан юқори сифатли ҳосил этиштириш борасида ҳам
тажриба тўплаган.

Фермер хўжалиғимизни кўп тармоқлилик асосида ривожлантириш мақсадида
йўлақларга ётқизиш учун 8 турдаги замонавий брусчаткалар ишлаб чиқаришни
ҳам йўлга қўйганмиз.

Хўжалиғимиз аъзолари билан бамаслаҳат тарзда фаолиятимизни кенгайтириши
ва интенсив технологияга асосланган янги тоқзорлар барпо этишни ният
қилдик. Шу мақсадда "Асака" банкнинг Андижон филиалига мурожаат этганимиз-
да, муассаса мутахассислари бизни қўллаб-қувватлаб, кредит ажратишига

яқиндан ёрдам бердилар. Ушбу молиявий
мадад туфайли фаолиятимизни бугунги
кун талаблари асосида ташиқл этаям-
низ. Энг муҳими, янги бошлаган ишимиз
натijasида маҳалламиз ёшлари учун 10
та янги иш ўрни яратилди.

Шуни қувонч билан айта оламанки,
"Асака" банк кредитлари биз каби
тадбиркорлик йўлини танлаганларга
имкониятлар эшигини очмоқда. Уларнинг
ёрдами билан мулкдор бўлиб, жамиятда
ўз ўрнимизни топаямиз.

"ХўЖАБОД ТРИКОТАЖИ" МАҚСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРГИР

Исроилжон Ураимов,
"Ал-Ҳаким" кўп тар-
моқли ишлаб чиқарим
фирмаси раҳбари:

— Сўнги йилларда на-
фақат вилоятимизда, балки
мамлакатимиз миқёси-
да "Хўжаобод трикотажи"
деган ибора пайдо
бўлди. Бу юртимизда тад-
биркорлик фаолиятини
ишончли ҳимоя қилиш,
уларни доимий қўллаб-қув-
ватлаш борасида олиб бо-
рилаётган изчил ислохот-
лар самараси, албатта.
Имкониятдан фойдаланган
ҳамюртларимиз ўзларин-
инг мустақил фаолиятини
йўлга қўйиб, замон та-
лабларига жавоб берадиган
трикотаж маҳсулотлари

ишлаб чиқаришга эришмоқ-
далар. Қувонарлиси, бузун
Хўжаободда ана шундай
хусусий корхоналар сонини
50 тадан ортиди.

Бизнинг кўп тармоқли
ишлаб чиқарим фирмамиз-
да айни кунда 16 хилдаги
трикотаж кийим-кечакла-
ри тайёрланмоқда. Буюрт-
мачиларга бир ойда ўрта-
ча 404,6 минг донага яқин
ёки 604,2 миллион сўмлик
маҳсулот этиказиб берил-
моқда. Ишлаб чиқарилаёт-
ган маҳсулотнинг қарийб
75 фоизи экспортга йўнал-
тириляпти.

"Асака" банкнинг Анди-
жон вилояти филиали бил-
ан доимий ҳамкорлик
ўрнатганимизга иккита

муҳим сабаб бор: бирин-
чиси, мутахассислар тад-
биркорнинг мақсад-мудда-
осини тезда англашди ва
керак бўлса, юмушнингиз-
ни осонлик билан ҳал
этиш учун маслаҳат ва
йўл-йўриқлар ҳам бериша-
ди. Иккинчи муҳим саба-
би эса, кредит ажратиши-
нинг пайсалсиз солимасли-
гидир. Шунинг учун ҳам
фаолиятимизни йўлга
қўйганимиздан буён айлан-
ма маблағларимизни тўл-
дириш мақсадида икки
марта банк кредитидан
фойдаландик. Мана шун-
дай молиявий мадад эва-
зига бузунга келиб ишчи-
ходимларимиз сонини 120
нафарга етказдик.

ТАДБИРКОРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Ҳаётлло Собиров,
"Ulug'nor invest teks" кўшма корхонаси раҳбари:

— Ҳозирги кунда юртимизда ишбилармонларнинг эмин-эркин ишлашлари учун тўла-
тўқис шароитлар яратилган. "Асака" банк ҳам иқтисодий ислохотлар жараёнида
фаол қатнашиб, тадбиркорлик ҳаракатининг таянч нуқталаридан бирига айланди.

Корхонамиз томонидан 14 хил трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган. Бир
ойда ўртача 175,4 минг дона тайёр маҳсулот мижозларга этиказиб берилаётди. Шундан
460,0 миллион сўм қийматидаги кийим-кечаклар экспортга йўналтирилади. Замонавий
ва қулай шароитларга эга масканда 225 нафар ишчи-ходим унумли меҳнат қилмоқда.

Мен бу фикрларни мақтанлиш учун айтмайман. Ютуқларни кўлга киритишимиз-
да "Асака" банк Андижон вилояти филиалининг ҳиссаси катта. Тадбиркорликка қўл
урганимиздан буён "Асака" банкдан уч маротаба йирик миқдорда кредит олиб, фа-
олиятимизни кенгайтириб, корхонамизни замон талаблари асосида жиҳозлашга эриш-
дик. Банкнинг мижозларга бўлган ишонч ва эътиборидан миннатдоримиз.

Roklama o'mida

Xizmatlar litsenziyalangan

ОБОДЛИК ВА
БУНЁДКОРЛИККА
ҲИССА

Шу кунларда "Асака"
банкнинг Андижон вилояти
филиали жамоаси тева-
рак-атроф ободончилиғига
ҳисса қўшиб, ходимлар ва
мижозлар учун янада
қулайликлар яратиш мақ-
садида бир қатор хайрли
юмушларга қўл уришган.
Энг аввало, филиал бино-
сининг қиёфасини замон
талаблари асосида ўзгарти-
ришга бўлган интилиш
эътиборга моллик. Филиал
худудида девизоноерлар
учун шийпон шаклидаги
ёзги суҳбатгоҳ барпо этил-
гани мижозларга хар жи-
ҳатдан маъқул бўлмоқда.

Бундан ташқари, фили-
ал томонидан Андижон
шаҳрининг Навоий شوҳ-
қўчаси худудида 1000 дан
зиёд дарахт қўчатлари
ўтказилдики, бу ҳам банк
жамоасининг шаҳарнинг
кўрқига кўрк қўшиб йўли-
даги савий-ҳаракатлари ма-
носилидир.

Хулоса ўрнида
айтганда, юртимиз-
да олиб борилаёт-
ган иқтисодий ис-
лохотлар натижаси-
да банк-молия ти-
зимидagi ўсиш ва
барқарорлик "Аса-
ка" банкнинг Анди-
жон вилояти фили-
али мисолида ҳам
яққол кўзга ташлан-
моқда. Энг аввало,
мижозлар эҳтиёжи-
нинг инобатга оли-
ниши, банк томони-
дан тақдим этила-
ётган хизмат турла-
ри сифатининг бос-
қичма-босқич оши-
риб борилаётгани
юртимиз тараққиё-
ти, халқимиз фаро-
вонлиғига хизмат
қилади, албатта.

Банк материаллари асосида
«Adolat» мухбири
Зарафшон
ҚАЛАНДАРОВА
тайёрлади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенга-
ши томонидан Ватанимиз мустақиллиғи-
нинг 25 йиллиғига бағишлаб ташкил этил-
ган олий ўқув юртлари талабалари, касб-
хунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги
"Иншолар танлови" якунига етиб бормоқда.

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Партиянинг "Ватан келажиги ёшлар қўлида" лойиҳаси доира-
сида ташкил этилган мазкур танловнинг Бухоро шаҳар босқичи
Енгил саноат ва педагогика касб-хунар коллежидa ўтказилди.
Унда иштирок этган шаҳардаги коллежларнинг ўқувчилари "Му-
стақиллик — бебаҳо неъмат", "Буюк ва муқаддасан, мустақил
Ватан!", "Конституция — менинг тақдиримда", "Бетакроримсан,
ягонасан, она Ватаним, Ўзбекистоним!", "Куч — адолатда", "Ин-
сон ҳуқуқлари — олий кадрият" каби мавзуларда Ватанга бўлган
меҳр-мухаббатни, азиз юртимизнинг бугуни ва келажиги ҳақидаги
тасаввур ва қарашлари, ўз орау-мақсадларини самимий ифода-
лаб, ишро эъдилар.

Иншолар танловини ўтказишдан қўзланган мақсадлар ёш ав-
лодни Ватанга мухаббат, халқимизга салокат руҳида тарбиялаш,
уларда буюк аждодларимизга, юксак миллий кадриятларимизга
хурмат ҳиссини ошириш, талаба ва ўқувчиларнинг иқтидорини,
қўбиллятини аниқлаш, ёшларнинг бўш вақтларини унумли ва
сермазмун ўтказиш, уларнинг мустақил фикрлаш қўникмаларини
мустаҳкамлаш учун яна бир имконият яратишдан иборат.

Якуний натижаларга кўра, ўқувчилардан Шаҳло Фаноева,
Гулрух Исмагуллаева, Шаҳинабону Холова 1, 2, 3-ўринларга
сазovor бўлишди.

Кўрик-танлов якунида танловнинг барча иштирокчилари Ўзе-
бекистон "Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгашининг рағбатланти-
рувчи асдалик совғалари билан тақдирланди.

Обиджон ЗИЁДУЛЛАЕВ

МУСТАҚИЛЛИК —
БЕБАҲО НЕЪМАТ

ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Ҳар бир онгли инсон борки, ўзи туғилиб
ўсган Ватани, киндик қони тўкилган шаҳар ёки
қишлоғида рўй бераётган ижобий ўзгариш-
лардан қувонади, шу жойда яшаётган ҳамюрт-
лари эришган натижалар билан фахрланади.
Ифтихор эса кишини бир жойда тўхтаб қол-
май янгидан-янги марраларни кўзлаб, юксак
мақсадларни илгари суриш, жамият ривожини,
юрт тараққиёти йўлида меҳнат қилишга
бўлган иштиёқини янада кучайтиради.

Мана шундай туйғу биз, янгиариклик ёшларнинг хар бири-
мизда мужассам, десам янглишимасан керак. Тенгдошларим, курс-
дошларим, ҳамкешлокларимиз билан "Биз Ватан тараққиётига
қандай ҳисса қўша оламиз?", "Нима қилсак, юртимизнинг шон-
шухрати олам узра янада кенг ёйиладди?", "Мен келажикда қан-
дай иш билан машғул бўламан?" сингари савол-жавоблар, баҳс-
мунозараларни тез-тез ўтказишга одатланганмиз.

Кимдир Ҳоразмга ташриф буюрувчи сайёҳларга таржимонлик
қиламан деса, яна кимдир банкдан кредит олиб, барча шарт-
шароитларга эга меҳмонхона хизматини йўлга қўйишни айтади.
Яна бир дугонан туманимизда гўзаллик салони очиб, бошқаси
тадбиркорларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилувчи марказ таш-
кил этиш ҳақида орау қилади. Хуллас, орауларимиз бисёр. Қўпича
бу орау-хоҳишларимизни маҳалладаги ёш кекса, нуруний ота-
хон-онахонларимиз билан ўртоқлашамиз. Улар доимо биз, ёшлар-
га ҳавас билан қарашларини ич-ичимиздан ҳис қиламиз.

Уларнинг аксарияти "Мустақиллик туфайли биз ўзлимизни
англадик, овоз халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг
бор бўй-бастини, улкан салохиятини бутун дунёга намойи қилиш
имкони очилди. Овозлик бос бизни жаҳон таниди" деб шукро-
налик билан тез-тез тақоррлашади. Шу билан бирга, мустақил-
лик шарофати билан кўхна тарихимиз, бой меросимиз, миллий
давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналарим-
из қайта тикланганини сўзлаб беришади.

Дарҳақиқат, истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг
ҳақиқий эгаси бўлиб, кадр-кимматини англаб, муносиб ҳаёт ке-
чириш, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик
жамияти барпо этиш имкониятини яратди. Айниқса, биз, ёшлар-
га кўрсатилаётган ғамхўрликни хар кадамда ҳис қиламиз. Нафа-
қат шаҳарларимиз, балки қишлоқларимиз, олис аҳоли яшаш
пунктларида ҳам бир-бирдан мухташам мактаб ва коллежлар,
маданият даргоҳлари, шифохоналар, аҳолига маийий хизмат
кўрсатиш ва савдо шохобчалари қад ростлаётгани, равион йўллар,
шпнам уй-жойлар, боғ ва ҳибонлар бунёд этилаётганини мана
шу эътиборнинг амалдаги тасдиғи деб ҳисоблайман. Бу бино ва
иншоотларнинг барчаси биз, Ўзбекистоннинг бахтиёр ёшлари
учун барпо этилаётганидан фахрланаман.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлаш ара-
фасида ўтган давр мобайнида босиб ўтилган мураккаб йўлимиз-
га яна бир бор назар ташлаш, мустақил тараққиётимиз давомида
амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларни ҳолисона ба-
ҳолаш, уларнинг моҳиятини ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бут-
ун халқимизнинг онг-шуурига етказиш мақсадида мувофиқдир.
Ватанимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг фаровон бўлиши
ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши кўп жи-
ҳатдан кишлоқларимизнинг тақдирини ва келажиги билан боғлиқ.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, хар биримиз шу гўзал
диёрда яшаётган эканмиз, мустақиллигининг кадрига етишимиз
шарт. Бизнинг халқимиз ҳаминша катта ораулар, яхши ниятлар
билан яшаб келади. Айниқса, истиқлолга эришганимиздан сўнг
халқимизнинг орау-интилишлари янада кучайди, юртимизда
ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш буюк
мақсада айланди. Ана шундай улкан ораулар билан яшаётган ва
ўз кучини билан улдуз ишларни амалга ошираётган бунёдкор халқ-
нинг фарзандлари сифатида биз қалбимиз ва онгимизда заррача
бушлиқ пайдо бўлишига асло йўл қўймастлигимиз лозим.
Мустақиллигимиз абадий бўлиши!

Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши
халқ депутатлари Уйин туман Кенгаши депутати
Алҳамжон ШАРИПОВнинг
вафоти муносабати билан онла аъзоларига ҳамдардлик
билдиради.

"MOHI RUSHONI KARIM" МЧЖ ўз номини
"RUSHONI KARIM TEX" МЧЖга ўзгартиради.
Маъмулот учун телефон: +99895 169-31-46

Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши
халқ депутатлари Уйин туман Кенгаши депутати
Алҳамжон ШАРИПОВнинг
вафоти муносабати билан онла аъзоларига ҳамдардлик
билдиради.

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ

Бўлимлар:

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Галъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими —
288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146);
Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 233-41-89.

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят маъноси: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан 0018 рақами билан
2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК Босмаҳонасида чоп
этиди. Корхона манзили: Тошкент
шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма
табоқ, Офсет усулида босилган.
Буюртма Г — 500. Адади — 9604
Босишга топириши вақти — 20.55
Босишга топириши — 21.55
Баҳси келишган нарха



1 2 3 4 5 6